

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
“САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ҚУРИЛИШ”
факультети**

“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” кафедраси

213 - 08 ҚМ гуруҳи талабаси

Бахризода Фаррухнинг

**“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада ресурс
тежамкорлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари
(Бахмал жилоси хусусий фирмаси мисолида)”**

мавзусидаги Битирув малакавий иши

ЖИЗЗАХ — 2012 й.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада ресурс
тежамкорлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари
(Бахмал жилоси хусусий фирмаси мисолида)**

Мундарижа	бет
Кириш	3
I-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда корхонада ресурс тежамкорлигининг назарий асослари	8
1.1. Корхонада ресурс тежамкорлигининг моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни	8
1.2. Корхонада ресурс тежамкорлигига амал қилиш воситалари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги	10
1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда корхонада ресурс тежамкорлигининг шаклланиши ва янгиланиши	18
II-боб. Корxonанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ этиш	21
2.1. Корхона бизнес-режасининг ресурслар билан таъминланганлиги	21
2.2. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги	22
2.3. Бахмал жилоси корxonаси ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш	25
III-боб. Қурилиш корxonаси айланма маблағларининг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда ундан оптимал фойдаланиш йўллари	38
3.1. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири	38
3.2. Айланма маблағларни нормалаштириш	42
3.3. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари	50
Хулоса ва таклифлар	53
Хаёт фаолияти хавфсизлиги	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Фан – техника тараққиёти жадаллашиб бораётган, янги техника ва технологиялар тинимсиз жорий этилаётган, кишиларнинг, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари тез ўзгариб бораётган давримизда корхоналар фаолиятини тез ўзгарувчан муҳитга тез жавоб қайтара оладиган қилиб ташкил этиш зарур бўлади.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир.

Танланган мавзу бўйича изланишларнинг долзарблиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида ривожлантиришнинг энг муҳим хўжалик вазифаси бўлганлигидандир. Бу вазифани хал этиш маблағлар ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг

самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Бунинг учун корxonанинг ўзи қандай типда бўлишини тўғри белгиламоқ, барча ресурсларни илмий – амалий жиҳатдан асослаб ишлатмоқ, корхона муваффақиятига ҳам, омадсизлигига ҳам сабабчи бўладиган инсон ресурсларидан онгли равишда фойдаланмоқ, ишлаб чиқаришнинг, маҳсулотлар реализациясининг барча паллаларида ҳам тадбиркорлик нуқтаи назаридан иш кўрмоқ зарурати рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Корxonани бошқаришда корxonанинг бизнес оламидаги очиқ тизим эканлигини, унинг ҳам бевосита, ҳам билвосита ташқи омиллар таъсири остида бўлишини тушунган ҳолда иш тутиш даркор. Бозор қонуниятларини, унинг талабларини инобатга олган ҳолда иш юритилса, унинг талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ишлар бажарилиб, хизматлар кўрсатилса, корxonанинг гуллаб–яшнаши, ўз мавқеига, ўз ўрнига эга бўлиши кафолатланади. Корхона муваффақияти илгаригидек “ички имкониятларни, резервларни қидириб топишда” эмас, балки ташқи муҳитга мослашишда: энг зарур ресурсларни энг қулай шартлар билан олишда, уларни тайёр маҳсулотларга айлантиришда ва энг ишончли харидорларга энг қулай шартларга асосан ўткази билишда, корхона фаолиятини амалда юзага келган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий – техник омилларга мос равишда ташкил эта билишдадир.

Президент ўз асарларида¹ таъкидлаганларидек “иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир”.

Биз «Бахмал жилоси» ХФда маблағлар ва улардан самарали фойдалиниш мавзусини БМИда қараб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қуйдик. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги мавзулар бўйича назарий изланишлар олиб бориш ва таҳлил ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- Корхонада асосий ва айланма маблағларини юзага келтириш;
- Корхона маблағларини ҳисобга олиш ва уларни баҳолаш;
- Корхона маблағларидан самарали фойдаланиш;
- Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлили;
- Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарни самарали бошқариш ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини қамраб олади ҳамда иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Бу иқтисодий муносабатлар иқтисодиёт назарияси фанининг долзарб устувор йўналишларидан бири сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси МДХ мамлакатларининг қатор иқтисодчи олимлари, Р.А.Фатхудинов, Б.А.Лагоша, Н.И.Новицкий, О.В.Ромашов, Т.Ю. Коршунова, Ю.А.Барько ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш ва уни амалга ошириш йўналишлари ўзгариб бориш асослари Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида илгари сурилган. Шунингдек, Ш.Н.Зайнуddинов, Ё. Абдуллаев, С.С.Ғуломов каби олимларнинг илмий ишларида ресурслардан самарали фойдаланишнинг мазмуни, шаклланиши ва унинг такомиллашувининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги босқичида хўжалик юритишнинг ишлаб чиқариш секторида ресурслардан самарали фойдаланишнинг шаклланиши, ўзига хос тамойиллари ва хусусиятлари янги

қонун ва фармонлар билан янада мустаҳкамланди ҳамда бозор иқтисодиётига мос, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари таъсирида тамомила ўз мазмунини ўзгартирмоқда. Шу боис ресурсларни тежашнинг асосий йўналишларини белгилаш, уларни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти битирув-малакавий ишининг мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш имконини берди.

Битирув-малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Иқтисодиётда турли мулк шакллари ривожланишида вужудга келадиган ресурслардан тежамли фойдаланишдаги бозор қонуниятларининг амал қилишини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

- иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ресурслардан тежамли фойдаланишнинг назарий асосларини умумлаштириш;
- мавжуд иқтисодий концепцияларни чуқур таҳлил қилиш ва бир тизимга келтириш;
- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторидаги мулкчиликнинг турли шаклларида ресурслардан тежамли фойдаланишнинг ўзига хос компонентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий асослаш.

Тадқиқот предмети. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда ресурслардан тежамли фойдаланиш ва уларнинг такомиллашуви билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. “Бахмал жилоси” хусусий фирмасида ресурслардан тежамли фойдаланиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида асослаб берилган кўп укладли бозор иқтисодиёти қарор топишининг ўзига хос тамойиллари, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва меъёрий ҳужжатлар,

иқтисодчи олимларнинг ишлаб чиқариш соҳасида ресурслардан тежамли фойдаланишни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини ташкил этади. Корхона маълумотлари, расмий статистик тўпламлар тадқиқотнинг ахборот таянчи ҳисобланади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар ресурслардан тежамли фойдаланишда бозор механизмларининг мукамал ишлашини таъминлаш учун воситаларни фаоллаштириш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ресурслардан тежамли фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув-малакавий ишининг илмий янгилиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги босқичда ишлаб чиқариш соҳасида ресурслардан тежамли фойдаланишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва бир тизимга келтириш тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатларда аниқ намоён бўлади:

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда ресурслардан тежамли фойдаланиш тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни очиб берилган;
- иқтисодий адабиётлардаги мавжуд назариялар таҳлили асосида ресурслардан тежамли фойдаланишнинг таснифи ишлаб чиқилган ва бир тизимга келтирилган;
- ишлаб чиқариш соҳасига хусусий мулкнинг кириб келиши ва унинг турли мулк шаклларидаги ресурслардан тежамли фойдаланиш билан умумий ва тафовутли томонлари назарий жиҳатдан асосланган.

Битирув-малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда ишлаб чиқариш соҳасида ресурслардан тежамли фойдаланишни такомиллаштириш йўналишлари иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига

боғлиқ тарзда тадқиқ этилган. Ишлаб чиқариш соҳасида ресурслардан тежамли фойдаланишни ташкил этиш ва уни такомиллаштиришда, «Иқтисодиёт назарияси», «Корхона иқтисодиёти» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Битирув-малакавий иши натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши. Тадқиқот натижасида эришилган назарий қоидалар ва амалий хулосалар “Ишлаб чиқаришни бошқарув” кафедраси 20.04.2010й. 12-сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган.

Битирув-малакавий ишининг таркиби. Тадқиқот олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб белгиланди ва кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат. Битирув-малакавий иши матни 65 саҳифани ташкил қилади. Ишда 5 та жадвал, 3 та расм мавжуд.

I.-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда корхонада ресурс тежамкорлигининг назарий асослари

1.1. Корхонада ресурс тежамкорлигининг моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни

Маълумки, ҳар қандай тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёни учта асосий элемент: меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва бевосита меҳнатнинг ўзидан, яъни инсон фаолиятидан ташкил топади. Бу элементлар биргаликда ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини ташкил қилади ва кўп жihatдан муайян бир хўжалик субъектининг - корxonанинг, қурилиш ташкилотининг ёки бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилаб беради. Мазкур элементларсиз ишлаб чиқариш жараёни мутлақо мавжуд бўла олмайди.

Бозор иқтисодиёти даврида ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси мамлакатмизнинг қатор иқтисодчи олимлари Ш.Н.Зайнуддинов, Ё.Абдуллаев, М.Шарифхўжаевлар тадқиқ этиб, ресурслар тушунчасига таъриф беришган,² “Ресурслар тушунчаси - бу пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, қонунлар, жорий ва келгусидаги имкониятлар, даромадлар ва уларнинг манбаларидир. Ресурслар табиий, моддий, иқтисодий, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари ва ҳоказолар бўлиши мумкин”. Корxonалар, тармоқлар ва бутун мамлакатнинг ресурс имкониятлари қанчалик кенг ва катта бўлса, иқтисодиёт ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти - бу корхона, ташкилот ва бутун тармоқнинг берилган ресурслар асосида у ёки бу ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ёки қобилиятидир. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш салоҳиятини ишлаб чиқаришнинг ресурс имкониятларига таққосланади.

²Ш.Н.Зайнуддинов ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.-174б., Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.-137б., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2005.-247б.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ресурслар билан таъминланганлик даражасига ўзаро боғлиқлигини ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда у ёки бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларни (истеъмолчилик талабини) ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси деб кўрсатиш мумкин. Бу омиллар шу субъектнинг халқ хўжалиги ва аҳолининг маълум даврдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли моддий неъматлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш имкониятларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланишини ўрганишда МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Г.Л.Багиев, Б.А.Лагоша, Н.И.Новицкий, Р.А.Фатхудинов³ “унинг фақат миқдорий баҳолаш мумкин бўлган материал-моддий омилларини эмас, балки унинг сифат омилларини (меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шарт-шароитлари, меҳнат мотивацияси, хўжалик механизми ва бошқаларни) ҳам таҳлил қилиш лозим”, деб кўрсатма беришган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш салоҳиятининг таркибини аниқлаш ҳам муҳим бўлиб, унда ишлаб чиқариш ресурсларининг рўйхати ва нисбати, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва ресурсларнинг узвий уйғунлиги юз берадиган ишлаб чиқариш шароитлари акс эттирилиши лозим.

Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслар ўзаро боғлиқ категориялар сифатида ривожланиш ва самарадорликка таъсир кўрсатибгина қолмай, балки ўз навбатида ички ва ташқи омилларга, аввало фан-техника тараққиётига, бошқарув тизимига ва ахборот базасига боғлиқдир. Гап шундаки, фан-техника тараққиёти (ФТТ) ва бошқарув тизими ахборот ёрдамида янада замонавий меҳнат куруллари ва предметларининг яратилишига, ишлаб чиқаришга сафарбар қилинадиган ресурсларнинг

³ Фатхудинов Р.А. Стратегический маркетинг.-М.: ИНФРА-М,2001.-126б.,
Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. - М.: Экономика,2001.-83б.,
Фатхудинов Р.А. «Производственный менеджмент.» М. , 2001.-87б.,
Лагоша Б.А.«Оптимальное управление в экономике»,Учебное пособие. М.,«Финансы и статистики».2003.-59б.
Новицкий Н.И «Организация производства на предприятиях». Учебное пособие. М. Финансы и статистика. 2003.-249б.

сифатини оширишга имкон туғдиради. Агар ишлаб чиқаришнинг материал-моддий омиллари ишлаб чиқариш ва техник салоҳиятнинг танаси бўлса, фан-техника тараққиёти, бошқарув ва ахборот унинг жонидир. Мазкур омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

“ФТТ - ишлаб чиқариш ресурслари” алоқаси ФТТ ютуқларининг ишлаб чиқариш ресурслари сифатида намоён бўлиши жараёнини акс эттиради, яъни ФТТ хом ашё ва материалларнинг янги турлари яратилади. ФТТ, ахборот, бошқарув ва ишлаб чиқариш шароитлари ўртасидаги алоқалар ахборот ва бошқарувнинг ўзига хос ишлаб чиқариш омиллари сифатида ишлаб чиқариш шароитларининг ФТТ даражасини ҳисобга олган ҳолдаги аҳволини белгилайди. Умуман олганда, ишлаб чиқариш ресурслари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнига мўлжалланган бўлиб, ўз навбатида бошқарув тизимига, ахборотга ва фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлиб, корхоналар, тармоқлар ва бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. қурилиш индустриясининг корхона ва ташкилотлари мана шу алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар шароитида фаолият кўрсатади.

1.2. Корхонада ресурс тежамкорлигига амал қилиш воситалари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги

Асосий фондлар - ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасида (асосий ишлаб чиқариш фондлари), ҳам ноишлаб чиқариш соҳасида (ноишлаб чиқариш асосий фондлари) банд бўлган материал-моддий қийматлар мажмуаси. қурилиш халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун турли корхоналар, бино ва иншоотларни қуриш давомида мамлакат учун асосий фондларни бунёд этишда иштироқ этади, бироқ ўз навбатида ўзи ҳам улардан меҳнат ва ишлаб чиқариш қуроллари сифатида фойдаланади. Шунинг учун қурилиш маҳсулоти сифатида ва зарурий ишлаб чиқариш қуроллари сифатидаги асосий фондларни бир-биридан ажратиш лозим.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ш.Н.Зайнуддинов, Ё.Абдуллаев, М.Шарифхўжаевлар асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини тадқиқ этиб, асосий ишлаб чиқариш фондларига қуйидагиларни киритади⁴:

- ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари;
- ишчи машина ва асбоб-ускуналари;
- машина ва асбоб-ускуналари;
- транспорт воситалари;
- асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жиҳозлари.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларга қуйидагилар киреди:

- уй-жойлар;
- коммунал хўжалик объектлари;
- маданий-маиший объектлар;
- соғлиқни сақлаш ва маориф объектлари.

Бу ерда гап бутун халқ хўжалиги балансида эмас, балки қурилиш балансида турган ноишлаб чиқариш асосий фондлари ҳақида бормоқда. Агар бундай тафовут бўлмаса, қурилишнинг ноишлаб чиқариш асосий фондлари билан жиҳозланганлиги сунъий равишда ўсиб кетиши мумкин.

Асосий фондлар натура ва пул шаклида (қиймат ифодасида) баҳоланади. Бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар одатда корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг асосий фондлари сифатида кўрсатилади, ваҳоланки бу уларнинг элементлар бўйича, яъни бино ва иншоотлар, ишчи ва қувват машиналарида, транспорт воситаларида ва ҳоказоларда қанча маблағ борлиги бўйича ҳисобга олинишига тўсқинлик қилмайди.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш даражасига ва меҳнат предметларига кўрсатадиган таъсирига қараб икки қисмга бўлинади: актив - ишчи ва қувват машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, асбоблар ва жиҳозлар; пассив - бино ва иншоотлар, яъни ишлаб

⁴Ш.Н.Зайнуддинов ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.-177б., Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.-142б., Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2005.-253б.

чиқаришга таъсир кўрсатувчи ёрдамчи жараёнлар билан банд бўлган иморатлар ва объектлар (идоралар, омборхоналар, лабораториялар, бошқарув аппарати жойлашган бинолар).

Асосий фондларни кўпайтиришни таҳлил қилиш, баҳолаш ва стратегиясини белгилаб олишда уларнинг тузилмаси - асосий фондларнинг айрим гуруҳларининг уларнинг жами қийматидаги улуши - катта аҳамият касб этади. Машина ва асбоб-ускуналарнинг, транспорт воситаларининг жами асосий фондлар қийматидаги улуши қанчалик катта бўлса, (қолган шартлар тенг бўлганда) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, фонд қайтими кўрсаткичи ҳам шу қадар юқори бўлади. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини яхшилашга ишлаб чиқариш ва фонд қайтимини оширишнинг муҳим шарти деб қаралади.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари Г.Л.Багиев, Б.А.Лагоша, Н.И.Новицкий, Р.А.Фатхутдинов⁵ “асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибини қуйидагича яхшилаш мумкин”лиги ҳақида ўз тавсияларини беришган:

- машина паркини техниканинг янги турлари билан тўлдириш йўли билан;
- ишлаб турган машина ва асбоб-ускуналарни модернизациялаш билан;
- ортикча ва кам фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни тугатиш билан;
- асосий фондларнинг айрим гуруҳлари ўртасида оқилona нисбатларни таъминлаш билан.

⁵ Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг.-М.: ИНФРА-М,2001.-129б.,
Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. - М.: Экономика,2001.-86б.,
Фатхутдинов Р.А. «Производственный менеджмент.» М. , 2001.-97б.,
Лагоша Б.А.«Оптимальное управление в экономике»,Учебное пособие. М.,«Финансы и статистики».2003.-71б.
Новицкий Н.И «Организация производства на предприятиях». Учебное пособие. М. Финансы и статиска. 2003.-253б.

Маълумки, асосий фондлар эксплуатация жараёнида мунтазам равишда эскириб, ишдан чиқиб боради. Шу сабабдан асосий фондларга нисбатан жисмоний ва маънавий эскириш тушунчаларини киритамиз.

Жисмоний эскириш - асосий фондларнинг эксплуатация жараёнида ёки бекор туриш натижасида ўзининг дастлабки характеристикаларини аста-секин йўқотишидир. Бу нотекис кечувчи жараён бўлганлиги туфайли, асосий фондлар тўлиқ ёки қисман эскириши ажратилади. Биринчи ҳолда эскирган асосий фондлар тугатилади ва янгисига алмаштирилади, иккинчи ҳолда эса таъмирлаш йўли билан тикланади.

Маънавий эскириш - машина ва асбоб-ускуналар қийматининг уларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ижтимоий зарурий ҳаражатларнинг камайиши таъсирида камайиб бориши (маънавий эскиришнинг биринчи шакли) ёки уларнинг қийматининг янги, илғор ва самарали машина ва асбоб-ускуналар яратилиши натижасида камайишидир (маънавий эскиришнинг иккинчи шакли).

Асосий фондларнинг эскиришини тиклаш корхона ва ташкилотларнинг махсус маблағлари асосида - амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилади. Уларнинг суммаси асосий фондларнинг қийматига, уларнинг хизмат муддатига, таъмирлаш ва модернизациялаш ҳаражатларига боғлиқдир. Бу маблағлар одатда корxonанинг амортизация фондида тўпланиб боради ва фақатгина асосий фондларни тиклаш ва таъмирлаш мақсадларида фойдаланилади.

Йиллик амортизация суммасининг асосий фондлар қийматига нисбати фоизларда ифодаланганда амортизация меъёри деб аталади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H_{ам} = \frac{\Phi_1 - \Phi_n}{T_a * \Phi_1}$$

бу ерда:

Φ_1 - асосий фондларнинг дастлабки қиймати;

Φ_n - асосий фондларнинг тугатиш қиймати;

T_a - асосий фондларнинг амортизация муддати ёки хизмат муддати, йил.

Дастлабки қиймат - асосий фондларни сотиб олиш пайтидаги харажатлар суммаси (етказиб бериш, ўрнатиш ёки монтаж харажатлари билан бирга).

Тиклаш қиймати - асосий фондларнинг бугунги кундаги инфляция, қайта баҳолаш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган қиймати.

Қолдиқ қиймат - бу асосий фондларнинг дастлабки ёки тиклаш қиймати билан эскириш суммаси ўртасидаги фарқдир.

Асосий фондларни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$A = N_{\text{амор}} \times \Phi,$$

бу ерда Φ - асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватига бевосита таъсир кўрсатади. қурилиш ташкилотларининг фонд билан жиҳозланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам шу қадар юқори бўлади. Ишлаб чиқариш қуввати - берилган машина ва асбоб-ускуналар, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услубида (ишчилар сони ва ажратилган вақтни ҳисобга олган ҳолда) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг) максимал ҳажми. Буни ҳисобга олган ҳолда қурилиш корхонасининг йиллик, чораклик ва ойлик ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, қуйидаги формула ёрдамида корхонанинг ўртача йиллик қувватини ҳисоблаш ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда:

$$Q = (\Phi_1 \cdot I_1 + \Phi_{\text{иш}} \cdot \Pi_2) - B_{\text{чик}}$$

бу ерда:

Φ_1 - корхонанинг йил бошидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\Phi_{\text{иш}}$ - йил давомида ишга тушириладиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

$V_{\text{чик}}$ - йил давомида ҳисобдан чиқарилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

I_1 ва Π_2 - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишга тушиш (ишдан чиқиш) пайтидан бошлаб ўтган тўлиқ ойлар сони.

Ишлаб чиқариш қувватини ва умуман асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни ҳисоблашда бир қатор кўрсаткичлар қўлланилади. Уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

экстенсив кўрсаткичлар - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг вақт бўйича кўрсаткичлари;

интенсив кўрсаткичлар - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг унумдорлик (қувват) кўрсаткичлари;

интеграл кўрсаткичлар - экстенсив ва интенсив омилларнинг жами таъсирини, яъни экстенсив ва интенсив кўрсаткичларнинг ҳосиласини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичлар асосан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичлари ҳисобланади ва қуйидаги категорияларни ўз ичига олади:

- асбоб-ускуналар ва машиналарнинг бандлик коэффиценти;
- алмашинув коэффиценти;
- асбоб-ускуналарнинг унумдорлиги.

Улар билан бир қаторда амалиётда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг қиймат кўрсаткичлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Фонд қайтими - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган миқдори;

Фонд сиғими - фонд қайтими кўрсаткичига тескари кўрсаткич;

Фондларнинг рентабеллиги - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган фойда миқдори.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини баҳолаш ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг фонд билан қуролланганлиги ҳамда унинг яна бир тури - меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг механик қуролланганлиги каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Қурилиш ташкилотлари асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаб боришни давлат томонидан қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг 2003 йил 14 октябрдаги қарорига кўра «Пудратчи қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарини сотиб олишга йўналтириладиган маблағларга солиқ солиш базасини камайтириш қисмида даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ» қабул қилинди.

Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва пудратчи қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммасига солиқ солинадиган базани камайтириш даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди. Унга қуйидагилар кўзда тутилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пудратчи қурилиш ташкилотларини қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари 2006 йилнинг 1 январигача даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

2. Пудратчи қурилиш ташкилотлари томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича аниқланади ва қуйидагиларда ҳисобга олинади:

а) монтаж талаб этиладиган қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналари келиб тушганда - ўрнатишга асбоб-ускуналар ҳисоби счётида, "Ўрнатишга қурилиш асбоб-ускуналари" ҳисобидан ажратилган ҳолда;

б) монтаж талаб этилмайдиган қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналари келиб тушганда - капитал қўйилмалар ҳисоби счётида "қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш" ҳисобидан ажратилган ҳолда.

3. Пудратчи қуриш ташкилотлари томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари суммаси ҳақ тўланган ва пул тушган санадан қатъи назар ҳисобот даврида даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

4. Солиқ солинадиган базани камайтириш бўйича имтиёزلарни қўллашда тегишли ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китобларга қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган маблағлар суммаси кўрсатилган маълумотнома илова қилиниши шарт.

5. Корхоналар солиқ солиш базасини камайтириш бўйича берилган имтиёزلарни ҳисобга олган ҳолда даромад (фойда) солиғини тўғри ҳисоблаш учун жавобгардирлар.

6. Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлаш юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги шароитда корхонада ресурс тежамкорлигининг шаклланиши ва янгиланиши

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий фондлари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий фондларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

«Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (23.10.2003 й. № 462) қабул қилинган бўлиб, унда капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўлида ижара ва лизинг хизматларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар кўзда тутилган:

1. Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Асака" банки, "Пахта-банк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг устав жамғармаси 1 млрд сўм бўлган, очик акциядорлик жамияти шаклидаги "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясини ташкил этиш.

2. "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясига:

ўз молиявий манбалари ҳисобига, шунингдек мамлакатимиз банклари ва хорижий банклар кредитларини жалб қилиш йўли билан замонавий қурилиш техникаси, кичик механизация ва махсус транспорт воситалари харид қилиш;

қурилиш техникасини, транспорт ва кичик механизация воситаларини мулкчиликнинг барча шаклларидаги пудрат қурилиш ташкилотларига,

биринчи навбатда, кичик ва хусусий бизнес субъектларига шартнома асосида лизингга ва ижарага бериш юкланади.

3. "қурилиш-лизинг" лизинг компанияси ходимларининг чекланган умумий сони 34 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 19 нафар бўлган бошқарув тузилмаси белгиланган. (1-расм)



Компания ходимларининг чекланган умумий сони - 34 киши,
Шу жумладан бошқарув ходимлари сони - 19 киши.

1-расм. "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясини бошқариш тузилмаси

Манба: Зайнутдинов Ш.Н., Исмаилова Т.С «Производственный менеджмент». Учебное пособие. Т., 2002.-726.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамасининг "2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида" 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат активларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотишдан тушадиган маблағларни;

иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкилотларининг бюджет олдидаги қарзларини қоплаш ҳисобига уларнинг мол-мулкини қарз суммаси доирасида сотишдан тушадиган маблағларни қайтариш асосида "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясига 5 йил муддатга берилади, ушбу маблағлар компаниянинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ушбу маблағлардан фақат кейинчалик уларни пудрат қурилиш ташкилотларига лизинг ва ижарага бериш учун қурилиш техникаси, кичик механизация ва транспорт воситалари харид қилиш учун фойдаланилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш ташкилотларининг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларини уларнинг бюджет олдидаги қарзларни қоплаш ҳисобига "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясига берилади.

Тугатилаётган иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкилотларининг уларнинг бюджет олдидаги қарзларини қоплаш ҳисобига "қурилиш-лизинг" лизинг компаниясига бериладиган асосий воситалари даромад солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

II.-боб.Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ этиш

2.1. Корхона бизнес-режасининг ресурслар билан таъминланганлиги

Маълумки, бизнес-режа корхона фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегиясини амалга ошириш, биринчи навбатда, нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш вазифасини бажаришга хизмат қилиши лозим. Мазкур ишлаб чиқариш стратегияси, табиийки, бизнес-режани тузиш босқичидаёқ ресурслар таъминоти билан мустаҳкамланиши лозим.

Ресурслар билан таъминланганлик – бизнеснинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, мулкчилик қайси шаклида эканлигидан қатъий назар мажубий ҳисобланади. Моддий, меҳнат, молиявий ва техник-технологик ресурсларсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнининг имкони йўқлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган қоидадир. Шу сабабли янги ёки жорий ишлаб чиқаришни ташкил қтиш вазифаси ҳал қилинаётган ҳар сафар ресурслар билан таъминлаганлик масаласи юзага чиқади. Тўғри, бу вазифани ҳал қилиш методикаси кўп жиҳатдан ресурслар тури, ишлаб чиқариш миқёси ва характерига боғлиқ бўлади.

Бизнеснинг (тадбиркорликнинг) ресурслар билан тўлиқ таъминланганлиги ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида чиқарилаётган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмаган ва белгиланган технологик жараёнларни бузмаган ҳолда моддий ресурсларни тежаш билан боғлиқ бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ресурслар таъминоти соҳасидаги сиёсатига ресурсларни тежаш сиёсати ҳамкорлик қилиши лозим бўлиб, бу бозор муносабатларидан ташқари айрим ресурс турларининг тақчиллиги ва тўлиқ эмаслиги билан ҳам асосланади.

Моддий ресурсларни тежашнинг асосий йўналишлари сифатида амалиётда қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- ◆ йўқотиш ва чиқитларни камайтириш;
- ◆ бракни йўқотиш;
- ◆ хом-ашё ва материллар сарфлашнинг прогрессив усулларини ишлаб

чиқиш;

- ◆ янги технологияларни жорий қилиш;
- ◆ ўрнини босувчи моддаларни қўллаш, иккиламчи хом-ашёдан фойдаланиш ва ҳоказо.

Бизнеснинг ривожланиши, корхонанинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун моддий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш билан бирга инвестициялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялар янги корхона яратиш учун ҳам, мавжуд корхонани ривожлантириш учун ҳам керак бўлади. Бугунги шароитларда чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг аҳамияти катта бўлиб, улар республиканинг асосий капиталига, жумладан, корхоналарга киритилувчи маблағлар миқдорини оширишда билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий рақобатбардош маҳсулот турларини чиқариш ва уларни жаҳон стандартлари талабларига етказишга имкон беради.

Бизнесни (тадбиркорликни) ресурслар билан таъминлаш оддий ва бир зумда ечиладиган масала эмаслиги шубҳасиз, албатта. У корхонанинг ишлаб чиқариш дастури ва маркетинг режасини ишлаб чиқиш билан бир пайтда ҳал қилиниши лозим. Корхона ходимларининг малакаси ва маҳорати бу ишда етакчи роллардан бирини ўйнайди. Ресурслар билан таъминланганлик корхона бизнес-режасининг муҳим бўлими бўлиб, иқтисодий, техник, ташкилотчилик ва бошқа билимларни талаб қилади.

2.2. Ишлаб чиқариш режасининг ресурслар билан таъминланганлиги

Ишлаб чиқариш дастури ҳисоб-китоб қилинган ва қувватлар танлангандан сўнг моддий ресурсларга эҳтиёж аниқланади. Бунинг учун материаллар оқими диаграммасидан фойдаланиш мумкин бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида материаллар ва ўрдамчи воситалар баланси акс эттирилади. Моддий ва молиявий ресурслар эҳтиёжларини ҳисоблаш қуйидагилар бўйича амалга оширилади:

- ◆ асосий материаллар, масалан, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар,

эҳтиёт қисмлар;

- ◆ ёрдамчи материаллар;
- ◆ асосий ёрдамчи материаллар;
- ◆ ишчи кучи.

Ресурсларга эҳтиёжни аниқлаш учун **детерминант** (норматив), **статистик ва эмпирик** каби турли усуллар қўлланиши мумкин.

Детерминант (норматив) йўл билан маҳсулот чиқариш учун ресурсларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бошқа материаллардан таъмирлаш ва эксплуатация харажатлари, захираларни шакллантириш учун фойдаланиш мумкин.

Моддий захиралар ҳажмини аниқлаш. Захиралар асосан ишлаб чиқариш жараёнини номаълум характерли харидларга боғлиқлигини камайтириш, технологик ишлов бериш бўйича келгуси операцияларни ишлаб чиқариш босқичидаги аввалги хатолардан мустақил бўлиши, шунингдек, харидорлар талаби барқарор бўлмаган ҳолларда тайёр маҳсулотнинг барқарор таклифини таъминлаш учун мўлжалланади.

Моддий захираларни режалаштиришда уларнинг оптимал ҳажмига риоя қилиш керак, чунки захираларнинг камайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда узилишларга сабаб бўлиши, ортиқча захираларнинг тўпланиб қолиши эса айланма воситаларнинг боғланиб қолиши, кредиторлик қарзларининг кўпайиши, материалларни олиб келиш ва сақлаш учун харажатларнинг ортишига олиб келиши мумкин. Бу эса корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштиради.

Ушбу вазифани ҳал қилиш учун корхона захираларнинг белгиланган нормаси – моддий ресурслар минимал ҳажмига амал қилиши лозим бўлиб, бу ресурслар корхонанинг тўхтовсиз суратларда ишлашини таъминлаши лозим бўлади.

Захиралар ҳажмини учта асосий омил белгилаб беради:

- ◆ кундалик материал истеъмоли ҳажми;
- ◆ материаллар сарфланиши характери (истеъмолнинг бир хиллик

даражаси);

- ◆ иккита марта материал олиб келиш ўртасидаги вақт.

Хом-ашё ва материаллар хариди корхонанинг хўжалик фаолиятида муҳим кадам ҳисобланади. Бунда вазифа харид қилинаётган материаллар оптимал ҳажми қандай бўлишини аниқлашга бориб тақалади, чунки бир марталик харид қилинадиган материаллар партияси қанчалик катта бўлса, шунча кўп айланма маблағларни «боғлаб» қўйишга тўғри келади ва аксинча.

Ресурслардан фойдаланишни баҳолаш. Бизнес-режани ишлаб чиқишда корхонанинг ресурслардан фойдаланишини ёритиб бериш зарур.

Гап шундаки, талаб қилинувчи ресурслар ҳажмини аниқлаш бу ҳали режалаштиришнинг бошланиши бўлиб, амалдаги бизнесда бу ресурслар қандай фойдаланилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ресурслардан фойдаланиш стратегиясини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Барча ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш.
2. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш.
3. Айланма ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш.

Натурал ва қиймат ўлчамидаги амалдаги (ўтган йилги) ва режадаги (башорат қилинган) кўрсаткичлар ресурслардан фойдаланишни тавсифлаш учун асос бўла олади. Режадаги кўрсаткичларнинг амалдаги кўрсаткичлардан ортиб кетиши корхонанинг ресурслардан фойдаланиш сиёсатида ижобий ўзгаришлар рўй берганлигидан дарак беради.

Айланма воситалар таркиби. Айланма воситалар бу айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига аванс тариқасида берилган пул маблағларидир.

Хўжалик фаолияти жараёнида айланма воситалар тўхтовсиз айланишда бўлиб, буни шартли равишда уч босқичга жаратиш мумкин. Биринчи босқичда (П—Т) айланма воситалар (П) ишлаб чиқариш мақсадлари учун

харид қилинувчи товарга (Т) айланади. Иккинчи босқичда (Т—П—Т) харид қилинган товар шаклидаги айланма воситалар ишлаб чиқаришга киритилади ва бу жараёнда тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулот ва ишлов бериш тугалланмаган маҳсулот шаклини олади. Учинчи босқичда (Т—П) тайёр маҳсулот шаклидаги айланма воситалар уни сотиш жараёнида яна пулга айланади. Айланма воситалар битта ишлаб чиқариш циклида тўлиқ истеъмол қилинади ва ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига ўтказилади.

Айланма воситалардан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи айланиш коэффициентини (K_0) ва битта айланиш муддати (T_0) ҳисобланади.

Айланиш коэффициентини йил давомида асосий воситаларнинг айланиш сонини тавсифлайди ва (ПТ) пул тушуми ҳажмининг фойдаланилган ўртача айланма маблағларга (АМ) нисбати сифатида аниқланади:

$$K_0 \text{ қ } ПТ / АМ$$

Битта айланиш муддати айланма воситалар ҳажми ва маҳсулот (пул тушуми) ҳажми билан аниқланади:

$$T_0 \text{ қ } (АМ \times 360) / ПТ, \text{ ёки } 360 / K_0$$


Режадаги йилда асосий воситаларнинг айланиш муддатини аввалги йилдаги кўрсаткич билан солиштириш унинг тезлашгани ёки секинлашганидан дарак беради.

2.3. Бахмал жилоси корхонаси ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини

таҳлил қилиш

«Бахмал жилоси» ХФси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил мартида 97-сонли қарорига ва вилоят давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармасининг 2002 йил 29-июндан 175 –сонли буйруғига асосан ташкил этилган ва ушбу тизимнинг кейинги уринларида хусусий фирма деб юритилади.

Фирма бошқарув структураси



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлари ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилиш, энг аввало, сотилган маҳсулотни ўрганишдан бошланади. Барча харажатларни қоплаб даромад олишдан таъминлайдиган кўрсаткич, бу – сотилган маҳсулот учун тушган пул тушумидир. Ундан қўшилган қиймат солиғи аксизларни тўла соф тушумни аниқлаш мумкин. Демак молиявий натижаларнинг асосий натижалари бу – сотишдан тушган тушумдир.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижалар тахлили.

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
			2007	2008	2009	Фарк	Ўсиш
						(+,-)	(%)
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Махсулот сотишдан тушган тушум	Минг сўм	150000	345000	169491	-175509	49,13
2	Сотилган махсулот таннари.	'Минг сўм	121788	281299	127118	-154181	45,19
3	Махсулот сотишдан ялпи даромад	'Минг сўм	28212	63701	42373,00	-21328	66,52
4	Мамурий харажатлари.	'Минг сўм	5656	9656	7856	-1800	81,36
5	Асосий фаолият фойдаси	'Минг сўм	19854	49093	30061	-19032	61,23
6	Солик ва бошка тўловлар	'Минг сўм	12000	27600	13559	-14041	49,13
7	Соф фойда	'Минг сўм	7854	21493	16502,00	-4991	76,78

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик хисоботи асосида муаллиф томонидан хисобланди.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижаларини тахлил қилиб қуйидаги хулосага келдик, Махсулот сотишдан тушган тушум 2009 йилда 169491 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 175509 минг сўмга ёки 51 фоизга камайган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилда 127118 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 154181 минг сўмга ёки 55 фоизга пасайган.

Маъмурий харажатлар 2008 йилга нисбатан 19 фоизга пасайган. Асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга камайган. Корхонанинг соф фойдаси 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 4991 минг сўмга камайган ёки 23 % га пасайган. Сабаби корхонада ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишидир.

Бу ўз навбатида маблаглар айланишининг пасайганидан далолат беради. “Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007-2009 йиллардаги молиявий натижаларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик, Маҳсулот сотишдан тушган тушум 2009 йилда 169491 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 175509 минг сўмга ёки 51 фоизга камайган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилда 127118 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 154181 минг сўмга ёки 55 фоизга пасайган.

Маъмурий харажатлар 2008 йилга нисбатан 19 фоизга пасайган. Асосий фаолият фойдаси , умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга камайган . Корхонанинг соф фойдаси 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 4991 минг сўмга камайган ёки 23 % га пасайган. Сабаби корхонада ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишидир.


Бу ўз навбатида маблаглар айланишининг пасайганидан далолат беради.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007-2009 йиллардаги маҳсулот сотишдан олинган фойда ўзгаришининг таҳлили.

2-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	Фарқи
1	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	Минг. Сўм	150000	345000	169491	-175509
2	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	Минг. Сўм	121788	281299	127118	-154181
3	Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	Минг. Сўм	28212	63701	42373,00	-21328

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик хисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.

“Бахмал жилоси” Х/Ф харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва структурасининг таҳлили

3-жадвал

№	Харажат гуруҳлари	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
		Сумма м.с	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма м.с	Жамига нисбатан салмоғи, %
	1	2	3	4	5
1	Моддий харажатлар	266671,45	94,80	121019,4	95,20
2	Меҳнат харажатлари	10408,063	3,70	4918,2	3,87
3	Ижтимоий суғурта ажратмалари	4219,485	1,50	1180,4	0,93
4	Амортизация харажатлари	0	0,00	0	0,00
5	Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	0	0,00	0	0,00
	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	281299	100,00	127118	100,00

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик хисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада жами ишлаб чиқариш харажатлари 2009 йил 127118 минг сўмни ташкил этган. Шундан 95,2 % моддий харажатлар, 3,9% меҳнат харажатлари, 0,9 % ижтимоий суғурта харажатларидан иборат.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007 - 2009 йиллардаги рентабеллик тахлили

4-жадвал

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+/-)
1	Махсулот сотишдан олинган соф тушум	минг сум	150000	345000	169491	-175509
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сум	121788	281299	127118	-154181
3	Сотишдан олинган фойда	минг сум	28212	63701	42373,00	-21328
4	Соф фойда	минг сум	7854	21493	16502,00	-4991
5	Асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати	минг сум	885	885	3318	2433
6	Айланма маблағларнинг уртача йиллик қиймати	минг сум	36748	111169	115315,2	4146,2
7	Корхона мулки	минг сум	36748	112054	118633,2	6579,2
8	Уз маблағлари	минг сум	7854	84847	101349	16502
9	Карз маблағлари	минг сум	29779	27207	17284,2	-9922,8
10	Махсулот рентабеллиги $3к/1к*100$	%	18,81	18,46	25,00	6,54
11	Асосий воситаларнинг рентабеллиги $4к/5к*100$	%	887,46	2428,59	497,35	-1931,24
12	Айланма маблағларнинг рентабеллиги $(4к/6к*100)$	%	21,37	19,33	14,31	-5,02
13	Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги $3к/2к*100$	%	23,16	22,65	33,33	10,69
14	Уз маблағлари рентабеллиги $4к/8к*100$	%	100,00	25,33	16,28	-9,05
15	Жами мулкка нисбатан рентабеллик $4к/7к*100$	%	21,37	19,18	13,91	-5,27
16	Умумий рентабеллик $4к/(5к+6к)*100$	%	20,87	19,18	13,91	-5,27
17	Карз маблағлари рентабеллиги $4к/9к*100$	%	26,37	79,00	95,47	16,48

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонанинг 2007-2009 йиллардаги рентабеллигини тахлил қилинган. Тахлил натижалари бўйича корхона соф фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2007 йил 7854 минг сўмни, 2008 йил 21493 минг сўмни, 2009 йил эса 16502 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, 4991 минг сўмга камайган. Асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати 2008 йилга нисбатан 2433 минг сўмга ошган. Корхона айланма маблағлари ўртача йиллик қиймати 4146,2 минг сум ошган. Корхонанинг умумий мулки 2008 йилда 112054 минг сўмни, 2009 йилда эса 118633,2 минг сўмни ташкил этган. Бу эса ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 6579,2 минг сўмга кўпайганидан далолат беради. Ўз маблағлари йилдан йилга ўзгариш 2008 йилда 84847 минг сўмни, 2009 йилда 101349 минг сўмни ташкил қилган. Қарз маблағлари эса 2008 йилда 27207 минг сўмни, 2009 йилда 17284,2 сўмни ташкил этган. Махсулот хажми йилдан йилга ўзгарган 2009 йил 2008 йилга нисбатан 175509 минг сўмга кам иш бажарилган, махсулот рентабеллиги 2009 йилда 25 % бўлган. Асосий фондлар рентабеллиги 2008 йилда 2428,6 % ни, 2009 йилда 497,3 % ни ташкил қилган. Бунга сабаб асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматининг ошиши ва соф фойданинг камайишидир. Айланма маблағлар рентабеллиги йилдан йилга кўрсаткичлари ўзгарган 2009 йилда 14,3 % ни, 2008 йилда эса 19,3 % ни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш харажатлари рентабиллиги 2009 йилда 33,3% ни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 10,7 га ошган. Ўз маблағлари рентабеллиги 2008 йилда 25,3 ни, 2009 йилда эса 16,3 % ни ташкил қилган. Корхонада умумий рентабеллик кўрсаткичи 2008 йилда 19,1 %ни, 2009 йилда эса 14 % ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўзгаришига корхона активларининг ошиши ҳамда соф фойданинг камайишидир.

**“Бахмал жилоси” Х/Ф 2007-2009 йиллар бўйича асосий воситалар ҳолатини
ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили.**


5-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўл. бирлиги	2007 й	2008 й	2009 й	2009 йилнинг 2008 йилга нисбати	
						Фарқи (+,-)	%
1	Асосий воситалар бошлангич киймати	м,с	1050	1050	3870	2820	368,57
2	Асосий воситалар қолдиқ киймати	м,с	885	885	3318	2433	374,92
3	Асосий воситалар эскириши	м,с	165	165	552	387	334,55
4	Эскириш коэффициенти	%	15,71	15,71	14,26	-1,45	90,77
5	Яроклилик коэффициенти	%	84,29	84,29	85,74	1,45	101,72

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг 2007 – 2009 йилларда асоси воситалар ҳаракатини куриб чиқар эканмиз 2009 йилга келиб асосий воситалар бошлангич киймати 3870 минг сумни ташкил қилган бу эса 2008 йилга нисбатан 2820 минг сумга ортган яъни 368,57 %га, бу уз навбатида корхонанинг янги асосий воситалар сотиб олганини билдиради. Йил охирига келиб унинг қолдиқ киймати 3318 минг сумни ташкил қилди, бу утган 2008 йилга нисбатан 2433 минг сумга ошганини билдиради.(375 %га)

Таҳлил этилаётган йиллардаги асоси воситалар ҳолати ўзгариш динамикаси қуйидагича:



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.

Вахолангки балансдаги асосий воситалар тури кўпайгандан сўнг унга ҳисобланадиган эскириш суммаси ортиши кузатилади. 2009 йилда асосий воситалар эскириши 552 минг сумни ташкил этган, 2008 йилдагига нисбатан 387 минг сўмга кўп. Йил охиридаги ҳисоботда шу маълум бўлдики асосий воситалар эскириши 2008 йилга нисбатан 334,5 фоизга ортган.

Юқоридаги маълумотлар асосида корхонадаги асосий воситаларнинг эскириш коэффицентини куриб чиқамиз. 2009 йилда ҳисобланган эскириш коэффицентини 24,2 % ни ташкил қилди. 2008 йилда бу кўрсаткич 15,7 % га тенг бўлган. 2007 йилда асосий воситалар эскириши 15,7 % га тенг.

2007-2009 йиллар бўйича “Бахмал жилоси” Х/Фни асосий воситалар рентабеллигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

6-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	Фарқи (+/-)	Ҳоизда %
1	Маҳсулот ҳажми	М.с	150000	345000	169491	-175509	49,13
2	Соф фойда	М.с	7854	21493	16502,00	-4991	76,78
3	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	М.с	885	885	3318	2433	374,92
4	Маҳсус рентабеллиги (2к:1кx100)	%	5,24	6,23	9,74	3,51	156,28
5	Асосий воситаларнинг рентабеллиги (2к:3кx100)	%	887,46	2428,59	497,35	-1931,24	20,48
6	Асосий воситаларнинг самарадорлиги (1к:3к)	М.с	16949,15	38983,05	5108,23	-33874,82	13,10

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Асосий воситалар рентабеллиги 2009 йилга келиб 1931,2 % га камайган, бу кўрсаткич ўзгаришига иккита омил таъсир этган. Биринчиси соф фойданинг камайиши бўлса, иккинчиси асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ошишидир. Асосий воситаларнинг самарадорлиги 5108,2 сўмга тўғри келади.

2007-2009 йиллар бўйича “Бахмал жилоси” Х/Фнинг айланма маблағлар
рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили.

7-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
						Фарқи (+:-)	%
1	Соф фойда	минг сўм	7854	21493	16502,00	-4991	76,78
2	Ялпи даромад	минг сўм	28212	63701	42373,00	-21328	66,52
3	Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум	минг сўм	150000	345000	169491	-175509	49,13
4	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик киймати	минг сўм	36748	111169	115315,2	4146,2	103,73
5	Соф фойданинг ялпи даромаддаги хиссаси (1кx100:2к)	%	27,84	33,74	38,94	5,20	115,42
6	Даромаднинг даражаси (2кx100:4к)	%	76,77	57,30	36,75	-20,56	64,13
7	Айланма маблағлар самарадорлиги (3к:4к)	сўм	4,08	3,10	1,47	-1,63	47,36
8	Айланма маблағларнинг рентабеллиги	%	21,37	19,33	14,31	-5,02	74,02

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонани айланма маблағларини 2007-2009 йиллардаги рентабиллигини таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари бўйича корхона фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2007 йил 7854 минг сўмни, 2008 йил 21493 минг сўмни, 2009 йил эса 16502 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, 4991 минг сўмга камайган ёки 23 % га пасайган. Корхона айланма маблағлари қиймати 4146,2 минг сум ошган ёки ўтган йилга нисбатан 103,7 фоизни ташкил қилган. Маҳсулот ҳажми йилдан йилга ўзгарган 2009 йил 2008 йилга нисбатан 175509 минг сўмга кам иш бажарилган ёки 51 % га пасайган, соф

фойданинг ялпи даромадаги ҳиссаси 2009 йилда 39 % бўлган. Даромаднинг даражаси 2008 йилда 57 % ни, 2009 йилда 36,7 % ни ташкил қилган. Ўтган йил билан солиштирсак 20 %га камайган. Айланма маблағлар самарадорлиги йилдан йилга кўрсаткичлари ўзгарган 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 53% га камайган. Айланма маблағларнинг рентабиллиги 2009 йилда 14 % ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 74 % ни ташкил

2007-2009 йиллар бўйича “Бахмал жилоси” Х/Фнинг асосий техник
иктисодий кўрсаткичлари таҳлили

8-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йилда 2008 йилга нисбатан	
						Мутлоқ (+,-)	Нисби й (%)
1	Махсулот сотишдан тушган тушум	минг сўм	150000	345000	169491	- 175509,00	49,13
2	Сотилган махсулотларнинг таннарихи	минг сўм	121788	281299	127118	- 154181,00	45,19
3	Ишловчиларнинг рўйхатдаги сони	минг сўм	10	10	10	0,00	100,00
4	- ишчилар	минг сўм	8	8	8	0,00	100,00
5	- хизматчилар	минг сўм	2	2	2	0,00	100,00
	Ишловчиларнинг йиллик иш хақи фонди	киши	13500	27600	8181,6	-19418,40	29,64
	- ишчилар	киши	10800	22080	6545,28	-15534,72	29,64
6	- хизматчилар	киши	2700	5520	1636,32	-3883,68	29,64
7	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	минг сўм	885	885	3318	2433,00	374,92
8	Айланма маблағларни ўртача йиллик қиймати	минг сўм	36748	111169	115315, 2	4146,20	103,73
9	Бир ишловчининг ўртача йиллик иш уними (1/3)	минг сўм	15000	34500	16949,1	-17550,90	49,13
10	Бир ишчининг ўртача иш уними	минг сўм	18750	43125	21186,3 8	-21938,63	49,13
11	Умухужалик фаолиятининг фойдаси	минг сўм	19854	49093	30061	-19032,00	61,23
12	Солиқлар	минг	12000	27600	13559	-14041,00	49,13


		сўм					
13	Соф фойда	МИНГ сўм	7854	21493	16502,0 0	-4991,00	76,78
	Рентабеллик даражаси (11/2*100%)	%	6,45	7,64	12,98	5,34	169,90
	дебиторлик карзлари	МИНГ сўм	32410	110994	32632,4	-78361,60	29,40
	кредиторлик карзлари	МИНГ сўм	29779	27207	17284,2	-9922,80	63,53

Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

“Бахмал жилоси” Х/Фнинг таҳлил этилаётган йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак корхона иқтисодий кўрсаткичларида сезиларли силжишлар содир бўлмаганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.


2007-2009 йиллардаги молиявий натижаларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик, Махсулот сотишдан тушган тушум 2009 йилда 169491 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 175509 минг сўмга ёки 51 фоизга камайган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари жорий йилда 127118 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 154181 минг сўмга ёки 55 фоизга пасайган.

Таҳлил этилаётган йиллардаги хизмат кўрсатишдан тушган тушум ва ишлаб чиқарш харажатларини ўзгариш динамикаси қуйидагича:



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.


Корхонада ходимларни ўзгариш юқори бўлиб, таҳлил этилаётган йилда ўзгармаган. Корхонада ходимларни ўзгариш динамикаси қуйидагича.



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.

Корхонада меҳнат унумдорлиги ўзгариши қуйидагича ўзгаришга эга бўлган, яъни ишловчиларни ўртача йиллик иш унуми 2009 йилда 16949,1 ташкил қилиб, 2008 йилга нисбатан 17550,90 минг сўмга ёки 51 % га камайган.

Корхонада меҳнат унумдорлиги ўзгариши динамикаси қуйидагича.



Манба: “Бахмал жилоси” ХФ статистик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тузилди.

“Бахмал жилоси” Х/Ф да жами иш ҳақи фонди 2009 йилда 8181,6 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2008 йилга нисбатан 19418,4 минг сўмга ёки 70 % га камайган худди шундай ишчиларни иш ҳақи фонди ҳам таҳлил этилаётган

йилда 6545,28 минг сўмни ташкил этган холда 2008 йилга нисбатан 15534,72 минг сўмга ёки 70 % га камайган.

Асосий фаолият фойдаси , умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга камайган . Корхонанинг соф фойдаси 2009 йилда ўтган йилга нисбатан 4991 минг сўмга камайган ёки 23 % га пасайган. Сабаби корхонада ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишидир.


III-боб. Қурилиш корхонаси айланма маблағларининг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда ундан оптимал фойдаланиш йўллари

3.1. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

* **ишлаб чиқариш захиралари** – бу ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;



2 -чизма. Корхона айланма маблағларининг намунавий тузилмаси
 Манба: Зайнутдинов Ш.Н., Исмаилова Т.С «Производственный менеджмент». Учебное пособие. Т., 2002.- 124б.

* **туғалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар** – бу, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ туғалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

* **келгуси давр харажатлари** - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар **айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини** ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади. 2 - чизмада корхона айланма маблағларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш захиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, аynиқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни “боғлаб” кўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади. Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига мос ҳолга келтириш корxonанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Айланма фондлар тузилмаси нафақат саноатнинг турли тармоқларида, ҳаттоки бир тармоқ ва бир корxonанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай фарқланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корxonаларнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимоти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корxonалар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобиляти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чиқариш захираларини ва айланма

маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бу, ресурсларнинг халок бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли хом ашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чикитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ арзон материаллардан фойдаланиш доим ҳам корхона имкониятлари ва хоҳишидан келиб чиқавермайди ва ташқи муҳит, биринчи ўринда ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, баҳони шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Корхона иқтисодиётига айланма маблағларнинг таркиби ва тузилмасидан ташқари, уларни ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва муомаланинг турли босқичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Биринчи босқичда айланма маблағлар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш захираларига айланади, яъни пул - товар (Д-Т).

Иккинчи босқич ишлаб чиқариш, яни маҳсулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу босқичда айланма маблағлар ва биринчи ўринда айланма фодлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳолига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

Учинчи босқичда айланма маблағлар товар маҳсулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тариқа айланма маблағлар барча босқичлардан ўтиб, тўлиқ айланишни амалга оширишини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин:

- 1-босқич - пул-товар (П-Т);
- 2-босқич - ишлаб чиқариш (И.Ч);
- 3-босқич - товар-пул (Т-П).

Шуни қайд қилиб ўтиш муҳимки, корхонанинг айланма маблағлари бир вақтнинг ўзида учала босқичда ҳам пул маблағлари, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати маълум бир иқтисодий қонунлар асосида ишлаши ҳамда улардан ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оқилона фойдаланишни кўзда тутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш қоидаларидан четга чиқиш айланма маблағларнинг етишмаслигига ёки самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

3.2. Айланма маблағларни нормалаштириш

Шаклланиш манбаига кўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

Хусусий айланма маблағлар доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пасивлари деб аталади.

қарзга олинган айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пасивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борича камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма

маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар заҳиралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айланма маблағларни нормалаштириш корxonанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли заҳираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички заҳираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корxonаларнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корxона омборларидаги ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корxonалар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутаяди. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимида риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корxона моддий-товар бойликларининг минимал заҳираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг нормативи айланма маблағлар нормасини, нормаси аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қоидага кўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$N_{\text{ай.м}} \cdot N_{\text{ич.з}} \cdot N_{\text{т.ич}} \cdot N_{\text{т.м}}$$

Бу ерда:

$N_{\text{ич.з}}$ - ишлаб чиқарилган захиралар нормаси;

$N_{\text{т.ич}}$ – тугалланмаган ишлаб чиқариш нормаси;

$N_{\text{т.м}}$ - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни нормалаштириш ва айниқса, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- * нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- * нормаларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- * хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- * чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;
- * эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни нормалаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланилувчи - лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни нормалаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

Ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш захиралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш захиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

Жорий захира – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Суғурта (кафолат) захирасидан таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта захирасининг миқдори жорий захира нормасининг 50% миқдорида белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{\text{стр}} \text{ қ } M_{\text{ўр}} \times (T_1 \text{ қ } T_2 \text{ қ } T_3 \text{ қ } T_4)$$

Бу ерда:

T_1 – материални юклаш учун кетадиган вақт;

T_2 – материаллар йўлда бўладиган вақт;

T_3 – материалларни омборга қабул қилиш вақти;

T_4 – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта заҳираси омборда жорий заҳира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасада, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг рухсати билангина сарфланади.

Тайёрлов (технологик) заҳирасидан хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай заҳиралар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов заҳираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда нормага солинади.

Мавсумий заҳиралар асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий заҳиралар ҳажми худди жорий заҳиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий заҳиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, ишлаб чиқаришда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида ишлаб чиқариш заҳираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни нормалаштириш. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи

жараён ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативи миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3. Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{и.ч.ц} = t_{техн} + t_{контр} + t_{транс} + t_{тан}$$

Бу ерда:

$t_{техн}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

$t_{тан}$ - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

$t_{транс}$ - транспортда ташиш вақти;

$t_{контр}$ - маҳсулотни йиғиш, қабул қилиш ва ТНБга топшириш вақти.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш билан бошланади ҳамда ишлаб чиқариш цикли якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативини ҳисоблашда ишлаб чиқариш цикли кунларда белгиланади ҳамда бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$N_{т.ич} к M_k x T_{ич.ц} x K_{х.ў}.$$

Бу ерда:

M_k - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;

$T_{ич.ц}$ - ишлаб чиқариш цикли давомийлиги, кунларда;

$K_{хў}$ - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар (M_a) тўлик қийматда олинувчи катталиқ сифатида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ($M_{ич}$) бутун ишлаб чиқариш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради ҳамда 50% қийматда ҳисобга олинади:

$$K_{нз} \text{ қ } (M_a \text{ қ } 0,5M_{ич}) : C$$

Бу ерда:

C - маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар ($M_{ич}$) бир хил сурат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{х.ў} \text{ қ } (M_a \text{ қ } к \cdot C_{яф} \text{ қ } к \cdot C_{бут} \text{ қ } 0,5M_{ич}) : C$$

Бу ерда:

$к, к$ – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;

$C_{яф}$ - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

$C_{бут}$ - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чиқариш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чиқариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

Тайёр маҳсулот қолдиқларини нормалаштириш. Ишлаб чиқариш жараёни тугаллангандан сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш нормативи миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот нормасига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$Г_n \text{ қ } В : Т \times Н_{Т.м}$$

Бу ерда:

$Г_n$ – тайёр маҳсулот нормативи;

$В$ - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;

$Н_{Т.м}$ – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар заҳиралари нормаси, кунларда;

$Т$ - режадаги даврда календар кунлар миқдори.

Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу нормасидаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, хужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

Келгуси давр харажатларни нормалаштириш. Ўсиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатларни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари ($Н_{кд}$) нормасини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$Н_{кд} \text{ қ } Р \text{ қ } Р_{ич} \text{ қ } Р_{Т}$$

Бу ерда:

$Р$ - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

$Р_{ич}$ – режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$Р_{Т}$ - ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари нормалари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (норматив) миқдори ҳисобланади. Корхона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинувчи маҳсулотлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва хоказолар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

3.3. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларнинг айланишини тезлаштириш йўллари

Айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун халқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига кўмаклашади ва иқтисодий режалаштириш суръатини оширади.

Корхона айланма маблағларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди:

- 1) айланиш коэффициенти;
- 2) айланма маблағларнинг юкланиш коэффициенти;
- 3) воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффициенти корхона айланма маблағларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_a \text{ қ } P_m : C_a$$

Бу ерда:

P_m – сотилган маҳсулот ҳажми, пул ўлчовида;

C_a – айланма маблағларнинг ўртача қолдиқ ҳажми, пул ўлчовида (айланма маблағлар нормативи).

Мисол. Корхонанинг бир йил мобайнида сотилган маҳсулотлари ҳажми 800 млн сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда айланма маблағлар нормаси 200 млн сўмни ташкил қилади. Демак K_a қ 4,4 (880:200).

Айланма маблағларни юкланиш коэффиценти айланиш коэффицентиға тескари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотға сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{ю} \text{ қ } C_a : P_m$$

Бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффицентиға нисбати орқали қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$T \text{ қ } D : K_a$$

Бу ерда:

D - шу даврдаги кунлар сони (360, 90).

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишиға эътибор қаратиш, улардан мақсадларға мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалға оширишни талаб қилади:

- * фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- * ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- * корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишға ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;

* маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;

* бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Хулоса ва таклифлар

Ҳеч бир корхона ресурслар ва айланма маблағларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун мажбурий элемент ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан ресурслар ва айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига боғлиқ бўлади. Мазкур даража маҳсулотнинг материал сиғими, электр сиғими, энергия сиғими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффициенти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилар: айланиш коэффициенти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффициенти.

Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини пасайтириш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, чунки у қуйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида қолувчи фойда миқдорини ошириш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш.

Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини қуйидагилар ҳисобига амалга ошириш мумкин:

- * машина ва асбоб-ускуналарнинг янада мукамал конструкцияларини яратиш;
- * сунъий ва синтетик материаллардан кенг равишда фойдаланиш;
- * кам чиқитли ва умуман чиқитсиз технологиялардан кенг равишда фойдаланиш;
- * корхонада мукамал норматив базани ташкил қилиш;
- * ишлаб чиқариш чиқитларидан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
- * ишлаб чиқаришни комбинациялаш;
- * маҳсулот сифатини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга фақат доимий амал қилувчи тизим сифатидаги ресурсларни сақлашнинг чуқур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими

Ускуналарни жойлаштириш.

Машиналарни бошқаришнинг қулай ва оддий бўлиши, иш жойларида санитария-гигиена, психофизиологик ва эстетик талабларни бажаришда чарчатувчи ва толиқтирувчи ҳолатларни йўқотишда, машиналарни соғлашда ва тузатишда катта аҳамият касб этади.

Бу қачонки машиналарнинг ўзаро жойлашишида ва бинонинг қурилиш конструкциялари билан, соғлаш зоналарини, бошқариш зоналарини, транспорт йўллари ва йўлакларини ҳисобга олган ҳолда бўлсагина мумкиндир. Шунинг учун машиналарни жойлаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- машиналарнинг конструкцияси ва габарит ўламлари;
- хоналарнинг ўлчамлари ва колонналар сеткаси;
- транспорт йўлаклари;
- машиналарни технологик бошқариш соғлаш ва ярим маҳсулот ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш;
- иш йўлаклари, машиналар орасидаги монтаж ва бошқа оралиқлар, машина билан колонна ва девор оралиқлари;
- эвакуация йўлаклари, марказий деворлар ёнидан ўтган;
- деворга ўрнатилган асбоб ва ускуналар ва бошқа мосламалар.

1. Машиналарнинг габарит ўлчамлари уларнинг техник паспортларида берилади: узунлиги, эни ва бўйи.

2. Колонналар сеткаси. Ўзирги пайтда бир қаватли ва кўп қаватли бинолар қуриш тўқимачилик ва енгил саноат кохоналари учун хосдир. Бир қаватли биноларда энг қулай колонналар сеткаси 12x18м ҳисобланади. Бунда

машиналарни бошқариш қулай бўлади, бахтсиз ҳодисалар хави камаяди, цехнинг майдони иқтисод қилинади.

3. Транспорт чизиқни кенглиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$l_{\text{mp}}=b+c, \text{ м}$$

бу ерда: b - транспорт воситасининг эни ёки юкнинг габарити. Жўл транспорти учун $b=0,7\text{м}$, ўзи юрар транспортлар учун $b=1,1\text{м}$;
 c - транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги тирқиши;
тезлик $v\leq 1$ м/с бўлганда $c=0,2$ м.

тезлик $v\leq 0,5$ м/с бўлганда $c=0,1$ м.

4. Машиналарни технологик бошқариш зонаси - бунда иш операцияларни хавфсиз бажаришни таъминлайдиган, ёнма-ён турган машиналар орасидаги йўлак назарда тутилади. Бу машиналарни чиқарган завод томонидан белгиланади.

Бу ишчининг позасига ҳам боқлик. Созлаш зонаси - бунда машинани монтаж ва демонтаж қилишда, созлашда созловчининг хавфсизлиги учун зарур бўлган машина атрофидаги майдон тушунилади.

Созлаш зонаси ҳам созловчининг позасига боқлик.

5. Иш йўлаклари. Уларнинг эни қуйидаги формуладан топилади:

$$l=\alpha\cdot a_1, (\text{м})$$

a_1 - қўшни машиналарнинг бошқариш зонасининг ярим суммаси, м;

α - меҳнатни ҳар хил ташкил қилишда технологик зоналарнинг бир-бирига мос келишини ҳисобга олувчи коэффициент.

Тараш машинаси учун $\alpha=1$; плита машинаси учун $\alpha=1,3$; пилик машинаси учун $\alpha=1,6$; йигирув машинаси учун $\alpha=2,0$.

Бўш йўлак эни унинг узунлигига қараб 0,5-0,7 м оралиқда бўлади. Монтаж оралиқни - 0,3 м.

6. Эвакуация йўлаклари. Булар смена ва танаффус пайтларида, зарур ҳолларда ишчиларни эвакуация қилиш учун ҳамда транспорт воситалари юриши учун мўлжалланган. Улар жойлашиши бўйича: марказий ва

джеворларга ёндошган; вазифаси бўйича: асосий ва ёрдамчи турларига бўлинади.

а) Марказий йўлакларнинг эни қуйидагича ҳисобланади:

$$L=2a_0+n_1l_{\text{мп}}+b_{\text{эв}} \text{ (м)}$$

a_0 - иш зонаси кенглиги;

n_1 - транспорт чизиқларининг сони (бир томонлама бўлса $n_1=1$, икки томонлама ҳаракат бўлса $n_1=2$);

$l_{\text{мп}}$ - транспорт йўлагининг эни, м;

$l_{\text{эв}}$ - эвакуация йўлагининг эни, м. $l_{\text{эв}}=0,6+0,005n$, м;

n - смена ва умумий танаффус пайтидаги ишчилар сони.

б) Деворларга ёндошган йўлакнинг эни қуйидаги формула билан аниқланади:

$$l_{\text{дев}}=0,2+a_0n_1l_{\text{мп}}+l_{\text{эв}} \text{ (м)}$$

Эвакуация чиқиш эшиклари цехларда камида иккита бўлиши керак. Иш жойидан чиқиш эшигигача бўлган масофа бир қаватли биноларда 100 м гача, кўп қаватли биноларда 75 м гача бўлиши керак.

Зинапоя катаклари ёнмайдиغان материалдан қўлланилиши керак. Зинапоя катагининг камида 50% майдони табиий ёруқлик билан ёритилиши керак. Цехларда чиқиладиган барча эшиклар ташқарига очилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. -Т.:Узбекистан,2009.-56 с.
- 2.Ш.Н.Зайнутдинов ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.
- 3.Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.
- 4.Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2005.-447б.
- 5.Котлер Ф. Маркетинг-менежмент. Экспресс курс. //Пер. с англ. под. ред. Ю.Н. Каптуревского. - СПб.: Питер, 2002.
- 6.Дойль Питер. Маркетинг - менежмент и стратегии. 3-е изд. //Пер. с англ. Под ред Ю.Н. Каптуревского. - СПб.: Питер, 2002.

7. Девид Кревенс. Стратегический маркетинг. - М.: Вильямс, 2003.
8. Матанцев А.Н. Стратегия тактика и практика маркетинга. - М.: Юрист, 2002.
9. Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонч В. Основы маркетинга. // перевод с англ. 2-е европ. изд. - М.: Вильямс, 2002.
10. Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг.-М.: ИНФРА-М,2001.
11. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. - М.: Экономика,2001
12. Фатхутдинов Р.А. «Производственный менеджмент.» М. , 2001
13. Лагоша Б.А. «Оптимальное управление в экономике» , Учебное пособие. М. , «Финансы и статистики». 2003
14. Новицкий Н.И «Организация производства на предприятиях». Учебное пособие. М. Финансы и статиска. 2003.
15. Зайнутдинов Ш.Н., Исмаилова Т.С «Производственный менеджмент». Учебное пособие. Т., 2002.
16. Белявский И.К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз. Учебное пособие - М.: Финансы и статистика, 2001.
17. Шмитт Б. Эмпирический маркетинг. Как заставить клиента чувствовать, а также соотносить себя с вашей компанией. //Пер с англ. К Ткаченко. - М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001.
18. Голубков Е.П. Маркетинг. Словарь-справочник.- М.: Дело, 2001.
19. Голубкова Е.Н. Маркетинговые коммуникации.- М.: Издательство «ФИНПРЕСС», 2001.
20. Маслова Т.Д., Божук С.Г., Ковалик Л.Н. Маркетинг. СПб.:Питер,2002.
21. Титов А.Б. Маркетинг и управление инновациями. -СПб.: Питер, 2001.
- 22..Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинади:
<http://www.polit.ru>; <http://www.wto.org>; <http://www.agris.ru>;